

3. 0.1000

ГҮШТ, ЖУН СЕРОБ БҮЛСИН!



Суратда: Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхозининг отари. Колхозининг тажрибали чўпони ўртоқ Туманбой Саидзимов ўзига бириктирилган қўйларни намунали боқиб этига-эт қўшаптир. У ҳар юз совлиқдан 120 га етказиб қўзи олишга аҳд қилган.

ИЛГОР ЧОРВАДОРЛАР



ҚҮЙЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

ИЛГОР ЧОРВАДОРЛАР

Келес массивидаги чорвадорлар кенгашидан

Чўлга баҳор келди. Кечаги ёмғирдан кейин қирнинг жамоли яна ҳам очилди: ҳаммаёққа кўм-кўк гилла ёзилгандек. Эндиликда чўпоннинг ошиғи олчи, иши янада юришиб кетди: чорванинг орзи кўкка тегди. Қаранг, ҳув анави адир ва сойликларда қўйлар ўтлаб юрибди. Қўзичоқлар онасининг орқасидан эргашиб, уёқдан бу ёққа сакраб юриши қандай завқли!

Гап Қозғистоннинг Келес массивидаги яйловлар тўғрисида борапти. Бу ерда областимизга қарашли бўлган кўпгина хўжаликларнинг 120 минг бошдан ортиқ қўйи боқилади. Чўпонлар фидокорлик билан меҳнат қилиб қўйларни семиртириб боқиб, кўплаб қўзи олиш учун курашаётирлар.

Эрта қочган совлиқлар қўзилай бошлади. Яна яқин беш-олти кундан кейин қўзилатиш оммавий тус олади. Чўпоннинг ҳаётидаги масъулиятли кунлар бошланади. Бу иш яхши ташкил этилган ерда қўзилар нобуд бўлмайди, чорва туёғи кўпаяди. Шунинг учун ҳам қўзилатишга қизгин тайёргарлик кетаяпти.

Яқинда ана шу Келес массивининг Бузой қишлоғида чорвадорларнинг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга областнинг партия, совет ташкилотлари, Янгийўл, Калинин ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг раҳбарлари, колхоз раислари, зоотехниклар, ветеринария врачлари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари қандай амалга оширилаётганлигини муҳокама қилдилар ва бундан бўён ниямларга эътибор бериш кераклиги тўғрисида маслаҳатлашиб олдилар.

Келес массивида меҳнат қилаётган чорвадорлар ўтган давр ичида жамоат моллари туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишда талайгина ишлар қилдилар. Яйловлардаги қўйларнинг деярлик ҳаммаси қишдан соғ-саломат ва семиз чиқди. Қўй гўшти ва жун етиштиришда катта кўрсаткичларга эришилди. Кўп хўжаликлар давлатга қўй гўшти сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан анча олдин ошириб бажардилар.

Кенгашда чорва моллар туёғини кўпайтириш, совлиқ қўйлардан кўп қўзи олиш, жун қирқишни яхши ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли бир қатор колхозларнинг фермаларида қўйларни боқиб, қўзилатиш кампаниясига тайёргарлик кўриш билан боғлаб олиб борилапти. Бунинг «Коммунизм» колхозини чорвадорларининг ишдан ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги қўйларнинг ҳаммаси ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 3-4 килограммданга семирган. Бўрдоқига боқилган қўйлар ҳисобига ҳозирнинг ўзида 10 тоннадан ошқ гўшт топширилди.

1 январдан бошлаб ҳарбир чўпонга маълум миқдорда қўй ажратиб берилган. Улар қўйнинг соғлиғи, ориқ, семизлиги учун жавобгарлар. Авваллари бу ерда чўпоннинг гапи билан касал қўйлар дарров сўйиб юборилар эди. Энди бундай ўзбошимчаликка қатъий чек қўйилди. Касал бўлган қўйлар ажратилиб алоҳида боқилади ва даволанади. Тузалгандан кейин эса яна ўз отарига юборилади. Бу тadbирнинг амалга оширилиши туфайли қўйларнинг ўринсиз равишда сўйиб юборилишига барҳам берилди.

Ферма ходимлари қўзилатиш кампаниясига ҳам пухта ҳозирлик кўришапти. Қўзилар онаси сутига ўтирилиб, иссиқ хоналарда сақланади. Бунинг учун ҳамма имкониятлар яратилмоқда. Қўралар қайта ремонт қилиб қўйилди. Фермада эгизак қўзилар ҳам алоҳида ҳисобга олинади ва улар доимо чўпонларнинг назорати остида бўлади.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳар бир чўпоннинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Уларнинг турмушидан доимо хабардор бўлиб турадилар. Нимаки керак бўлса дарҳол ёрдам берилапти. Чўпонлар яхшилаб ремонт қилинган уйларида истиқомат қиладилар. Радиопрёмниклар билан таъмин этилганлар, газета-журналлар ўз вақтида келтириб турилади.

Бу ерда илгорларнинг меҳнати муносиб тақдирланади. Масалан, ҳар юз бош қўйдан 95 тадан қўзи олиш планлаштирилган дейлик. Агар чўпон

бу планини ортиғи билан бажариб, қўзилар сонини 95 тадан ошириб юбorsa, ортиқча олинган ҳар беш қўзидан биттаси унга мукофот тариқасида берилади.

Моддий манфаатдорлиқнинг оширилиши чўпонларнинг ғайратига ғайрат қўшмоқда. Айрим чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 125 бошгача етказиб қўзи олиш учун курашмоқдалар. Шунингдек улар жайлари қўйлардан қирқиб олинган жунини 2 килограммгача етказиб мажбуриятини олдилар.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленинизм» колхозининг чорвачилик ишлари бўйича ўринбосари ўртоқ К. Юнусов ўз сўзида ориқ қўйларни семиртириб боқиб масаласига тўхталиб ўтди. Бу колхозда ориқ қўйлар алоҳида боқилиб парвариш қилинапти. Кунига ҳар бир қўйга 5 килограммга етказиб ем берилапти. Кечалари яйловга чиқариб боқилади. Бу иш 15 мартга қадар давом этирилади. Шундай қилинса совлиқлар семирб, кучига-куч қўшилади, касалликка чалинмайди. Жуннинг сифати яхши бўлади.

Лекин ҳамма ерда ҳам чорвачиликка ишнинг қўзини билиб раҳбарлик қилинмаяпти. Айрим колхоз раҳбарлари бу масала билан узлуксиз шуғулланмайдилар, унга мавсумий иш деб қарамоқдалар. Фермалар софиди, ишчан кадрлар билан мустаҳкамланмаган. Албатта, шундай ерларда қўйлар туёғи кўпаймайди. Жун қирқиб олиш камайиб кетмоқда. Қўйларнинг зотини яхшилашга аҳамият берилмаётир.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўпчилик фермаларда илгорларнинг бой тажрибаси ўрганиб, оммалаштирилмаётир. Чорвачиликни хўжалиқнинг сердаромад тармоқларидан бирига айлантириш масаласи унутиб қўйилмоқда. Жайлари қўйлар ўрнига майин жунли қўйларни боқиб ҳар тарафлама фойдаландилар. Бунинг қарош қозғистонлик чорвадорлардан ўрганиш керак. Шу массивда «Дарвоза», Абай номи совхозларнинг қўйлари ҳам боқилапти. Совхоз чорвадорлари қўйларнинг зотини яхшилаб, маҳсулдорлигини оширишда ибратли ишлар қилмоқдалар. Бу ерда гўштга топширилатган ҳар бир қўйнинг оғирлиги 50-55 килограммданга тўғри келади. Совлиқларнинг ҳаммасидан қўзи олиш одат тусига кирмоқда.

Фойда ва зараримизни ҳисоблаб чиқайлик. Ҳозир биз боқаятган жайлари қўйларнинг вазни енгил, тарози босмайди, жун кам. Шунинг учун арзон баҳоларда қабул қилинади. Майин жунли қўйларни боқиб—чўпонга ҳам, колхозга ҳам катта даромат келтиради. Ҳар бир жайлари қўйнинг вазни 30-40 килограмм бўлса, майин жунли қўйнинг ўртача вазни 55 килограммга етади. Жун икки барабар кўп, 4 килограмм ва ундан ошириб жун олиш мумкин. Майин жунли қўйлар топширилса, қиммат баҳоларга қабул қилинади.

ЧОРВАДОРЛАР ҚАРОРИ:

Биз КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш йўлида тинмай меҳнат қилмиш. Илгор, прогрессив иш методларини кенг жорий қилиб, қўйлар сонини кўпайтирамиз. Уларнинг наслдорлигини яхшилаш юзасидан зарур чораларни кўрамиз. Гўшт, жун етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришмиш. Ҳар бир чўпон ўзининг қўй боқиб, уни семиртириш, асраш соҳасидан маҳоратини янада такомиллаштирилади.

Қўзилатиш кампаниясини намунали ўтказамиз. Об-ласт бўйича ҳар совлиқдан камиди 105 тадан қўзи олинишига эришамиз. Гўштга фақат семиз қўйларни топшириш учун зарур чоралар кўрилади.

Жун қирқиб олишни кескин кўпайтирамиз. Биринчи қирқувнинг ўзидаёқ йиллик планининг 75 проценти миқдорда жун топширамиз.

Табий яйловдан умумий фойдаланиб, кўпроқ пичан, хашак тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Ламинкор тоғларга арпа, беда екамиз. Ҳар гектар ердан камиди бир тоннадан беда олишга эришамиз.

Чўпонлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларни раббатлантириб туришни бундан бўён ҳам энг муҳим тadbирлардан бири деб биламиз. Шунингдек ҳар юз бош совлиқдан юздан ошириб қўзи олган чўпоннинг номини областимизнинг «Олтин китоби»га ёзиб суратини қўйишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Чорва фермаларига раҳбарлик қилиш, ветеринария хизматини яхшилаш мақсадида Келес массивида колхозлараро кенгаш тузишни зарур деб ҳисобладик. Бу кенгашнинг яқин кунлар ичида иш бошлангача ёрдам беришни област ташкилотларидан сўраймиш.

«Дарвоза» совхозининг ишчилари четдан ёрдам олмаган ҳолда чорва моллари маҳсулдорлигини муттасил оширишмоқдалар ва катта фойда кўраётирлар. Авваллари бу ерда ем етишмасди. Қишда қўйлар оч қоларди. Энди бу оғир масала ҳал этилди. Ўти сийраклашиб қолган яйловлар ҳайдалиб, беда, арпа экилди. Натижада чорва озукчаси кўп бўлди. Қўшини совхозга ҳам ўнлаб тонна ем қарзга берилди.

Умуман совхоз рентабелли хўжаликларнинг бирига айланиб қолди. Биргина ўтган йилнинг ўзида қўйчилик фермасидан олинган даромад 3 миллион сўмни ташкил қилди. Абай номи совхоз чорвадорларининг иши ҳам ана шундай самаралидир.

Ҳар бир фермада отарда ҳисоб-китоб аниқ бўлсин. Фойдали ишлар қилиш ҳақида кўпроқ ўйлаб кўриш керак. Чорвадорлик номига доғ тушираётган, қўзбўямачи, ёлғончи, беғам, орқада судралиб қолаётган кишиларни қаттиқ таъқид қилиш зарур.

Кенгашда Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли хўжаликларнинг фермаларидаги камчиликлар ҳақида аниқгина гап бўлди. Айниқса бу ерда қўзилатиш кампаниясига тайёргарлик қониксарсиз борапти. Қўралар етарли эмас. Иссиқ жойлар тайёрлаш пайсалга солинапти. Қўйларни тоза сув билан таъминлашда ҳам кўзга кўринарли иш қилинган йўқ. Сув келтирадиган идишлар тахт қилиб қўйилмаган. Эски қудуқлар, сув чиқариш насослари ремонт қилинмаган, янгиларини қазिशга ҳалигача киришилмаган. Бундай ачинарли аҳвол Навоий номи, Энгельс номи, «Коммунизм» ва бошқа колхозларнинг фермаларида мавжуд. Ишдаги бундай камчиликларни дарҳол тугатиш учун шоянчи чоралар кўриш зарур. Ҳамма куч ва имкониятлардан фойдаланиб, чўпонларга яқиндан амалий ёрдам бериш ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Кенгашда жуда кўп чўпонлар сўзга чиқиб, жунни кўпайтириш, ҳар 100 совлиқдан 115-120 тадан қўзи олишдаги тажрибалари ҳақида гапириб бердилар ва зиммаларига янги мажбуриятлар олдилар. Шу билан бирга област, район ташкилотларининг шаънига бирқанча танқидий фикрларни айтдилар.

Айниқса чорвадорларга савдо хизмати кўрса-тиш яхши эмас. Савдо шохобчалари кам. Маданий моллар сотадиган дўконлар йўқ, радиоларни ремонт қиладиган устакхона ташкил этилмаган. Кўча савдо дўкони ташкил қилиш ҳақидаги ҳаққоний таклифлар анчадан бери амалга оширилмайдилар. Чорвадорларга медицина хизмати кўрса-тиш кўнгиладиган эмас. Медицина ходимлари чорвадорлар ҳаётидан ажралиб қолмаган. Бу ердаги врачлар чўпонлар орасида бўлишмайди. Турли темаларга бағишлаб, лекция, суҳбатлар уюштириш унутиб қўйилган. Маданий дам олиб, хордиқ чиқарадиган жой йўқ. Ҳалигача бирон қишлоқда клуб қурилмаган. Кўча кутубхоналар ишламайди. Санъат усталари, артистлар аҳён-аҳёнда келишадилар, холос. Кинофильмлар тез-тез кўрсатиб турилмапти.

Кенгашда Тошкент қишлоқ област Совети иж-роия комитетининг раиси Э. Т. Шайхон, Қозғистон ССР Чимкент област, Сарноғоч ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари Т. Тумишев ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгаш ишида Тошкент қишлоқ област партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абду-раззоқов қатнашди ва нутқ сўзлади.



Кенгаш қатнашчилари чорвачиликка раҳбар-лик қилишни яхшилаш, чорва моллари туёғини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан бир қатор зарур тadbирларни белгиладилар.

М. ГОЗИЕВ

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратларда: (юқоридан пастга) Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Киров номи колхоз чўпони Э. Бесенов, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли генерал Раҳимов номи колхоз чўпони О. Аҳмедов, Охунбобоев номи колхоз чўпони А. Жумонов, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Москва» колхозининг чўпони Т. Олтаев ва Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммунизм» колхозининг ферма мудири А. Ботирхўжаев ўртоқлар.

А. Абалля фотолари.





Баҳор, баҳор, эй гузал фасл,
Бизнинг ўлкамизда қолган муттасил
Р. Жабборов фототўғи.

ЧИЛОНЗОРДА...

Кенг асфальт кўчанинг йўлка-
сида тонг наъшасини суриб икки
нуроний мўйсафид бугунги та-
тана ҳақида ўзаро сўхбатлашиб
борардилар.

— Муллаёқубон дедман бу
Чилонзорни қаранг-а. — марғур
оҳангга сўз бошлади 70 ёшли
мўйсафид ўз ҳамроҳига на-
раб. — районимиз қараб ту-
риб бир шаҳар тусига кириб
қолди. Ҳаммадан ҳам Чилонзор-
ни алоҳида район бўлиб ажратиб
чиқганини айтмайсанми. Ҳозир
район территорияси 3 минг ге-
ктар ерни ташкил қилармиш. Аҳо-
лиси ҳам чакан эмас. 170 минг
кишига етди.

— Дарвоқе, тўғри айтасиз. Уш-
ни фаёан одам билан дегандек буни
қаранг-а илгарилари кун ботиши
билан кўчада ҳеч кимни учрат-
олмас эдик. — деди отанинг
ҳамроҳи. — Неге десанг бу ерда
яшовчиларнинг ўзи бармоқ билан
санарли эди-да. Кўчасини айтмай-
санми ёмғирда эса юриб бўлмай-
диган ўқир-чўқир эди. Дарҳа-
қиқат бугунги Чилонзорга бир на-
зар ташла. Гўё чаманзор дей-
сиз. Ҳукуматимиз ҳам барока
топсин. Кўчаларимиз куппа-кун-
дуздек ёп-ёруғ, йўллар текис. А-
трофда қават-қават бинолар кўкка
бўй чўзиб турибди. Бирон жойга
боргудек бўлсанг, автобус, трол-
лейбус муҳай.

Тенгш охонлар ана шундай
сўхбатларга берилиб сўйлов устас-
касига қандай етиб келганлик-
ларини ҳам сезмай қоларди.

Гражданилар ва Улуғ Ватан
урушининг қатнашчиси 70 ёшли
пенсияер Исмомил ота Абдуллаев
сўйлов қўтиси ёнига яқинлашар
экан.

— Биз ўз бахтимизни ўз қўли-
миз билан яратганимиз. Дохи
Ленин берган бахтимиз қомуси
Конституциядан яна бир қарра
баҳраманд бўлиб халқимизнинг

бахт-саодати йўлида ҳормай-тол-
май хизмат қиладиган энг яхши
ўғил ва қизларимизга ўзининг
кексалик овозини бераркан, —
деди у тўлганларнинг қарсақ-
лари остида ва биринчи бўлиб овоз
берди. 2-қўрилиш бошқармаси-
нинг бетончиси, коммунист меҳ-
нат бригадасининг бошлиғи А. Пу-
шова, пенсионер Е. Исоқов, Я.
Иброҳимов, С. Петрухин ўртоқ-
лар ҳам бирин-кетин сўйлов кў-
тиларини ёнига қўйлашадилар.

Сайловчилар 38-гардия сайлов
округидан Ўзбекистон ССР Олий
Совети депутатлигига номзод
С. И. Навишев, 383-сайлов ок-
ругидан шаҳар совети депутатли-
гига номзод кўрсатилган Ю. Рус-
тамов, П. Қуба, район Советига
номзод Ш. Аббосов ўртоқлар
учун яқинлик билан овоз берди-
лар.

Х. ШАРИПОВ.

БОҒДА

Янгийўл районидан 2-боғдорчи-
лик-ўзумчилик совхозига олма, ол-
хўри ва бошқа хил мева дарахтла-
рини чилпиш ишлари қизиган бор-
моқда.

Айниқса, иккинчи бўлимда олиб
борилётган ишлар диққатга сазо-
вордир. Ишчилардан Эшонкул Со-
диқов ҳаммага намуна бўлмоқда. Уни
уста боғбон деб атайдилар. Чунки
Содиқов дарахтларнинг яхши пар-
қини қилиш билан бирга ҳар йили 4-
5 шогирд тайёрлайди. Я. Содиқов, Ҳ.
Юнусов ва Э. Қистовбаев ўртоқлар
ҳар бир дарахтнинг парвариш қилишида
гайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда-
лар.

Т. ЕРИМБЕТОВ.

ҒАЛАТИ БАҲОР

Кейинги икки ой давомида Ўрта Осиёда ҳаво оёқдан ташқари
иссиқ келди. Ҳавонинг ўртача оилак ҳарорати Ўрта Осиёнинг ҳам-
ма районларида кўп иллик нормадагидан 6—9 даража юқори бўл-
ди. Айниқса февраль ойининг иккинчи ярмида кун иссиқ кетди. Ўз-
бекистоннинг бир қатор районларида кўнгуз қучи ҳавода ҳарорат
25—26 даражагача етди. Туркменистоннинг айрим районларида эса
айрим қўнларда 28—30 даражагача иссиқ бўлди.

Бундай юқори температура кейинги 80 йил мобайнида сира
учмаган эди. Натижада Ўзбекистонда димчиликлар ва мевад-
ли, манзарали дарахтларнинг вегетацияси оёқданги йиллардагидан
20—30 кун илгари бошланди.

Қўннинг барвақт иссиқ кетганлигининг сабаби Ўрта Осиёнинг
Оқим, Арабистон ярим ороли ва Эрондан келадиган иссиқ ҳаво
оқими таъсирида бўлганлигидир. Қисқа муддатли «ёз» орқали
қолди. Қишлар ана плаш ва палътога ўраларди.

Яқин йил кун ичида ҳаво ёзғариб туради, кўп ёлғизчилик бў-
лади. Ҳарорат кескин пасайиб, ер музлаши ҳам мумкин.

А. ТАГИРЗАНОВ

САНГИМИ старший илмий ходими.



Тошкентдаги маданий-оқартув техникуми бир неча йиллардан бери республикамиз оқартув муас-
сасалари учун кўплаб ўрта маълумотли антарлар, музикаантар йўтувхона ходимлари тайёрлаб чиқар-
моқда. Техникумининг антарлар тайёрлаётган бўлимига олий маълумотли режиссёр-педагог Ҳасан
Йўлдошев раҳбарлик қилмоқда. Бу гуруҳта студентлари саҳналаштирган «Қароқчилик», «Қалбани до-
тор» спектаклилари кўпчилигининг олинкига сазовор бўлди. Суратда: (чапдан педагог Ҳ. Йўлдошев сту-
дентлар билан саҳналаштириш учун олинган янги асарни муҳофама қилмоқдалар. А. Тўраев фотоси.

МОСКВАДАН

ХАТ

МОСКВА САҲНАСИДА

«Қизил Ўзбекистон» колхоз
ҳаваскорларининг катта муваффақияти

Боларида кўш доимий меҳмон
бўлиб турувчи, «оқ олтин» деб ша-
рафланган пахтага қон, ширин-ша-
нар мевалар ўласи, қишнинг изи-
нашб турувчи гуллар дийри Ўзе-
бекистон ақолиб санъаткорлар манони
ҳандир. Ўзбекларнинг кўнгоқ ва
мароли, нафис ва ўйноқ кўшиқ-
нур, лапар ва рақслари фақатгина
республикада машҳур бўлмай, балки
қардош ўлларда, шу жумладан
Москва томошбонларини орасида ҳам
эътиборга олинган бўлиб қолди. Не-
агинчи йилда Москва аҳолиси ўз-
бек хонадони, соҳнада ва радио-са-
ламининг, шунингдек халқ орасида
етишиб чиққан талантли санъат-
корларнинг бир неча марта гастроль
концерт ва томошаларини кўриш
шарофига мўлжал бўлишган ва ўз-
бек санъатига зўр илҳос кўйишган.

Шу кўнларда пойтахт санъат иш-
қисблари яна бир иқидий коллек-
тив концертларини иштийқ билан
томоша қилмоқдалар. Бу Тошкент
область Калинин районидан «Қизил
Ўзбекистон» колхоз хаваскорлари-
нинг ашула ва рақс ансамблидир.
Бу ансамбль таърибидан раҳбар, Ўз-
бекистон ССРда хизмат кўрсатган
артист, композитор Ҳасан Нишонов
бошчилигида кўнот ва ҳавас билан
иш олиб бориб, тез орада оддий ҳа-
васкорлик тўғрисида халқ теат-
рига айланди. Иқидий коллектив
азъолари ёш пахтакорлар, боғбон-
лар, механизаторлардан иборат
санъатсеварлардир. Шу сабабли ҳам
колхоз хаваскорлари намойиш қил-
ётган концерт номерларида оёқ
қилмоқ маҳди, оёқ меҳнат тарона-
си ва кўнгоқ ҳаёт завқи баралла
янграмоқда.

Халқ театрининг «Яшнаибер, рес-
публикамиз» номли иккинчи қисмдан ибор-
рат концерт композициясида меҳнат
завқи, тинчлик, дўстлик, бахтиёр
ёшлик, севги нўйларини тараннум
этувчи ашула, лапар ва рақслари
борки, дилларга ҳузур ором бағиш-
ловчи бу номерлар мосқилини томо-
шобонларини мафтун ва лол қилмоқ-
да.

Айниқса ансамблининг солистлари-
дан Т. Эрматова иқро этган «Эй
мехрибоним», С. Усмонов нўйлаган
«Парво этиб не», Х. Ҳамидова ба-
жарган «Ўйнасин», С. Маҳмадиро-
нова иқросидаги «Наманганнинг ол-
маси», И. Ортиқова айтган «Москва
қизларига», У. Абдулҳақова айтиб
уйнаган томонча лапарлар пойтахт
санъатсеварлари томонидан қизиган
нўтиб олинди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

Ашула ва рақс ансамбли намо-
иш қилган «Салом Москва», «Баҳор
байрами», «Пилла байрами», «Ҳосия
туйи», «Дўстлик таронаси» сюжетла-
рида колхозчи хаваскорлар халқ
меҳнат гашти-ю, ҳуррам қишлоқ ҳа-
тини кўйлайдилар, маҳд этадилар.
Шунингдек ансамбль иқро этган
СССР халқларининг кўшиқ ва рақс-
лари ҳам пойтахтлик талабчан то-
мошобонларни мамнун қилмоқда.

«Қизил Ўзбекистон» колхоз
бадий хаваскорларининг Москвада-
ги гастроллари зўр муваффақият
билан ўтмоқда.

И. РАҲИМЖОНОВ.

Москва шаҳри.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЭКРАНЛАРДА

5 МАРТДА

ВИРНИЧ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Кўнча пой-
тахтимиз (болалар учун Н. Кон-
чаловскийнинг асари асосида
эшиттирилган). 18.40 — Компози-
тор С. С. Прокофьев (илмий, ом-
мабот фильм). 19.40 Телевизион
янгиланилар. 19.55 — Конструк-
торлик бюросида (сановат ходим-
лари учун). 20.15 — К. Гольдони.
Меҳмонхона бекаси (фильм, спек-
такль).

Ўзбек тилида: 21.40 — Биоло-
гия фанини янги қўнқиларга кў-
тарамиз (сўхбат). 21.55 — Теле-
визион янгиланилар. 22.10 — Ёш-
лар иқиди. Бу кўнларга иқисона
бўлади (Фарҳод Муҳаммаднинг
хизмат асосида телеиқисониро-
на).

22.50 — Сўнги ақборот (ашула
ва рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.15 — Янги.
қўнқиларнинг ташаббусини кўн-
лаб-қувватлаётган (қишлоқ хў-
жали қодимлари учун). 18.35 —
Хиола (ишлаб чиқариш иқтило-
ри ҳақида). 19.00 — Ҳамза опе-
раси (Алишер Навоий номли те-
атрдан). Танқарфус вақтларида
номжурналлар.

САҲНАЛАРДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —
5/ш да Ҳамза, 6/ш да Риголетто.
ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —
5/ш да Мирзо Улуғбек, 6/ш да
Номус.

МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА —
6/ш да Алломиш.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ
ЗАИДА — 6/ш да кеч соат 8 да
Вухарестда бўлиб ўтган Жаҳон
фестивали лауреати Курманғоли
номли қозоқ давлат халқ қол-
лаблари оркестрининг концер-
ти.

Тошкент область иқроия
комитети ҳузурида
КУЧИРИВ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА
ИШЧИ КАВУЛ ҚИЛИШ
ВУЛИМИ

Узоқ Шари, Узоқ Шимол, Иркутен
область. Кўрпир арлар ўлкаси ва
Ўзбекистон ССР районларида
ишлаш учун

ИШЧИЛАР

қабул қилади

Мурожат учун адрес: Тошкент
шаҳрида — Привокзальная кўча-
си, 13-й ва Ҳамза кўчаси, 10-й,
Гулистон шаҳрида — Оргнабор,
Янгийўл шаҳрида — Ленин кўча-
си, 7-й. Оқангаронда — Оргна-
бор.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 5 МАРТ, 1963 ИИЛ.

(ТАСС фотохроникаси).

Р. 06235.

ИНДЕКС 64695

А. — 1543.